



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 07 | pp. 8-14 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ЎЗБЕКISTONDA HALOL BIZNES: XALQARO TAJRIBA VA MILLIY RIVOJLANISH



Исманов Иброхим Набиевич,
Фарғона политехника институти,
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
кафедраси мудири, и.ф.д., профессор,
e-mail: i.ismanov@ferpi.uz

Ёрматов Илмидин Тошматович,
Фарғона политехника институти,
«Менежмент» кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация. Мазкур мақолада ҳалол бизнес соҳасидаги халқаро амалиётлар, шу жумладан, Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Туркия каби мамлакатлар тажрибаси таҳлил этилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳалол бизнес соҳасидаги ҳуқуқий-институционал асослар, миллий стандартлар ва сертификатлаш тизими, давлат дастурлари ва қўллаб-қувватлаш чоралари ёритиб берилган. Ҳалол бизнес соҳасида Ўзбекистон учун халқаро тажрибани ўрганиш ва мослаштириш бўйича асосий хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: ҳалол бизнес, ҳалол сертификатлаш, ҳалол маркетинг, ҳалол молиявий хизматлар, ҳалол туризм, ислом банки, миллий ҳалол стандартлар, ҳалол экспорт.

ХАЛЯЛЬНЫЙ БИЗНЕС В УЗБЕКИСТАНЕ: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И НАЦИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ

Аннотация. В данной статье анализируется международная практика в области халяльного бизнеса, включая опыт таких стран, как Малайзия, Саудовская Аравия, Объединенные Арабские Эмираты и Турция. В Узбекистане также освещены правовые и институциональные рамки, национальные стандарты и система сертификации, государственные программы и меры поддержки в области халяльного бизнеса. В области халяльного бизнеса сформулированы основные выводы и предложения по изучению и адаптации международного опыта для Узбекистана.

Ключевые слова: халяль бизнес, халяль сертификация, халяль маркетинг, халяль финансовые услуги, халяль туризм, исламский банк, национальный халяль стандартлар, халяль экспорт.

HALAL BUSINESS IN UZBEKISTAN: INTERNATIONAL EXPERIENCE AND NATIONAL DEVELOPMENT

Abstract. This article analyzes international practice in the field of halal business, including the experience of countries such as Malaysia, Saudi Arabia, the United Arab Emirates and Turkey. Uzbekistan also highlights the legal and institutional framework, national standards and certification system, government programs and support measures in the field of halal business. In the field of halal business, the main conclusions and proposals for the study and adaptation of international experience for Uzbekistan are formulated.

Keywords: halal business, halal certification, halal marketing, halal financial services, halal tourism, Islamic bank, national halal standardlar, halal export.

Киритиш қисми. Ҳалол бизнес - исломий қадриятлар ва ахлоқий меъёрларга мувофиқ олиб борилаётган тадбиркорлик фаолияти [11]. Ҳалол бизнеснинг асосий тамойиллари қоидабузарликлардан холи бўлиш, ҳаром йўллар билан фойда олмаслик, мол-мулкка ҳақиқий эгаллик қилиш, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда ишончлилик ва самарадорликни таъминлашдан иборат. Ҳалол бизнес иқтисодий самарадорлик билан бирга ижтимоий масъулиятни ҳам ўз ичига олади.

2023 йил май ойида Тошкентда Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси, Ислом бизнеси халқаро ассоциацияси ва Литваннинг «World Halal Trust Group» ҳалол сертификат ва стандартини жорий қилувчи компанияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси биринчи ҳалол форуми» ўтказилди. Форумда ҳалол сертификатининг имтиёзлари ва ютуқлари ҳақида мунозаралар бўлди. Кўпгина тадбиркорлар ўз маҳсулотлари ёки хизматлари учун «Ҳалол» стандартини жорий қилиш ва сертификатлаш жараёнини мураккаб деб ҳисоблайди. Лекин бундай эмас. «Ҳалол» тушунчаси Ислом динида рухсат этилган маҳсулотларга тааллуқли бўлса, «Ҳалол» стандартлари эса маҳсулотларни ислом дини талаблари бўйича ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, сотиш ва маркировкалашга қўйиладиган талабларни белгилайди [1-5].

Бугунги кунда ҳалол бизнес тобора глобаллашиб, миллий чегараларни ошиб ўтмоқда. Жаҳон бозорида ҳалол маҳсулот ва хизматларга талаб тобора ошиб бормоқда. Бу эса кўплаб мамлакатларда ҳалол индустриясининг жадал ривожланишига олиб келмоқда. Статистик маълумотларга кўра Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Шарқий Осиё ва Африка мамлакатлари, шунингдек, Европа ва Америка каби мамлакатлар «Ҳалол» стандартини татбиқ этишда етакчи ҳисобланади. Дунё мусулмон аҳолиси сонининг ортиши билан ҳалол маҳсулотларга бўлган талаб ҳам янада ошиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳам ҳалол бизнес соҳасида жадал ривожланиш йўлига ўтган. Ўтган йилларда ҳалол бизнес соҳасидаги қонунчилик базаси такомиллаштирилди, миллий стандартлар ва сертификатлаш тизими яратилди [1-10]. Бугунги кунда ҳалол озик-овқат, косметика, молиявий хизматлар, туризм каби соҳаларда ислохотлар олиб борилмоқда.

Ҳалол бизнес соҳасининг глобал суръатлар билан ривожланаётгани бу борадаги халқаро тажрибанинг аҳамияти янада юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу мақолада ҳалол бизнес соҳасидаги халқаро тажриба ва миллий ривожланиш таҳлил қилинади.

Мавзуга оид адабийотлар таҳлили. Ҳалол бизнес кўплаб Ислом мамлакатларида ривожланиб келмоқда. Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия. каби давлатлар ушбу соҳани жадал ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Бу мамлакатларда ҳалол сертификатлаш тизими, стандартлар, қонунчилик базаси яратилган ва ҳалол бизнесни рағбатлантирувчи механизмлар жорий этилмоқда. Ушбу мамлакатларда ҳалол сертификатлаш, маркетинг, молиявий хизматлар ва инвестиция соҳаларидаги илғор тажрибаларни таҳлил қиламиз.

- Малайзия ҳалол бизнес ривожланишида дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ҳалол тамойиллар асосида ишлаб чиқариш, сертификатлаш, ҳалол логистика ва молиявий хизматлар кенг тарқалган. Малайзия ҳукумати ҳалол индустриясини ривожлантиришга катта эътибор беради. Малайзияда 1974 йилда Ҳалол сертификатлаш тизими жорий этилган бўлиб, бу соҳада давлат, хусусий бизнес ва ислом ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳозирги кунда мамлакатда 2 мингдан ортиқ ҳалол сертификатлар берилган. Малайзия ҳалол озиқ-овқат, косметика, фармацевтика, туризм ва бошқа соҳаларда етакчи экспортчи мамлакат ҳисобланади. 2006 йилда қабул қилинган «Ҳалол индустриясини ривожлантириш» стратегияси доирасида ҳалол маркетинг, ҳалол логистика, ҳалол молиявий хизматлар ва бошқа йўналишлардаги ислохотлар амалга оширилган [13]. Мамлакатда «Ҳалол маҳсулотлар ва хизматларни тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва сертификатлаш марказлари» фаолият кўрсатмоқда.

- Саудия Арабистони ҳалол индустрияси, айниқса, ҳалол озиқ-овқат ва косметика соҳасида етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда ҳалол тамойилларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариш, сертификатлаш ва халқаро савдо йўлга қўйилган. Саудия Арабистони 1984 йилда Ҳалол стандартлар ва сертификатлаш тизимини жорий этган. Минтақавий миқёсда «Саудия Ҳалол тизими» бренди нуфузли ҳисобланади. 2019 йилда мамлакатда ҳалол сертификатлашдан ўтган 57 мингдан ортиқ маҳсулот рўйхатга олинган. Ислом банки Саудия Арабистонида кенг тарқалган. Мамлакатда 2020 йилда шариат қонунларига мувофиқ фаолият юритадиган 18 та ислом банки мавжуд бўлиб, улар миллий банк тизимида 50%дан ортиқ улушга эга.

- Бирлашган Араб Амирликлари ҳам ҳалол индустрияси ривожланишида олдинги қаторда турувчи мамлакатлардан биридир. БААда ҳалол туризм, озиқ-овқат, косметика ва бошқа соҳаларда миллий стандартлар, сертификатлаш тизими ва институционал қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилган. БАА ҳукумати ҳалол индустриясининг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратган. Мамлакатда 2013 йилда «Ҳалол ва шуғулланиб бўлмайдиган (ҳаром) маҳсулотлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган. Бу эса ҳалол сертификатлашни ривожланишига катта туртки берди. Бугунги кунда мамлакатда 9 мингдан ортиқ ҳалол сертификатлар берилган.

- Туркияда ҳалол бизнес соҳасидаги ривожланиш суръатлари юқоридаги мамлакатлардан орқада қолмайди. Мамлакатда ҳалол стандартлар, сертификатлаш, маркетинг ва халқаро савдо йўлга қўйилган. Туркия ислом банкчилиги, ҳалол туризм ва бошқа соҳаларда фаол ривожланмоқда [12]. Туркия Ҳалол аккредитация ва сертификатлаш тизимини 2010 йилда жорий этган. Мамлакатда ҳозирги кунда

350 дан ортиқ ҳалол сертификатлар берилган. Туркиянинг «Ҳалол» бренди жаҳон бозорида нуфузли ҳисобланади. Туркия ҳалол туризм соҳасида ҳам муваффақиятларга эришган. 2019 йилда мамлакатга ҳалол туристларнинг сони 4 миллиондан ошган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги кунда дунё миқёсида халқаро ҳалол бозори йилдан йилга тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Глобал ҳалол савдо ҳажми 2021 йилда 2 триллион АҚШ долларидан ошган. Ҳалол озиқ-овқат, косметика, фармацевтика, туризм, молия ва бошқа соҳалар ушбу ўсишда етакчи ўринни эгаллайди. Бутунжаҳон Ҳалол Ассамблеяси, Ислом Ривожланиш Банки, Ҳалол Халқаро Ассоциацияси, Ҳалол Стандартлаш Тармоғи каби халқаро ташкилотлар ҳалол бизнесни қўллаб-қувватлаш, унификация қилинган стандартларни жорий этиш, молиявий ва инвестицион харажатларни қоплаш каби масалаларда муҳим роль ўйнамоқда.

2024 йил 17 май куни Ўзбекистон Президенти ва Малайзия Бош вазири ҳалол бизнесни ривожлантириш борасида янада самарали ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришдилар. Томонлар ислом молияси, ҳалол сертификатлаштириш, сунъий интеллект технологияларининг ҳалол индустрияга жорий этилиши ҳамда халқаро ҳалол туризмни ривожлантириш масалаларида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар. Хусусан, зиёрат туризмни янада ривожлантириш мақсадида «Умра плюс» дастури йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон-Малайзия ҳалол бизнес ва саноат ҳудудини ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар берди.

Бу келишувлар ҳалол индустрияни Ўзбекистонда ривожлантириш ва Малайзия билан самарали ҳамкорлик қилиш учун мустаҳкам замин яратади. Икки мамлакат бизнес доиралари ўртасида ислом молияси, сертификатлаштириш, инновацион технологиялар ва халқаро ҳалол туризмни биргаликда илгари суриш Ўзбекистонда ҳалол бизнесини янада ривожлантиришга туртки беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам ҳалол бизнес соҳасида қатор муҳим қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилинган. 2020 йилда Ўзбекистон «Ҳалол маҳсулотлар тўғрисида»ги Миллий стандартларни тасдиқлади. Ушбу стандартлар ҳалол маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сертификатлаш ва маркетингига оид талабларни ўз ичига олади.

2021 йилда «Ислом банкчилиги тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ислом банкчилиги фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий асосларни белгилаб берди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ҳалол сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом» тасдиқланди. Ҳозирда Ўзбекистонда ҳалол озиқ-овқат, косметика, туризм, молия ва бошқа соҳаларда қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилиб борилмоқда.

Ўзбекистон 2020 йилда Ҳалол сертификатлаш тизимига ўтди. Миллий ҳалол стандартларга мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан сертификатланади. Ўзбекистон миллий ҳалол сертификати диний қоидаларига мувофиқ ҳайвонларни сўйиш, озиқ-овқат маҳсулотлари, косметика ва этик товарлар(яъни, ҳайвонларга зарар етказмаслик ва ҳурмат қилиш тамойили асосий ўринга эга бўлади), моддий-техник таъминот,

молиявий хизматлар, туризм ва бошқа секторларни қамраб олади. Ҳозирда 200 дан ортиқ тадбиркор ва корхона ҳалол сертификатга эга.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳалол бизнес соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ҳалол индустриясини ривожлантириш» давлат дастури, «Ҳалол озиқ-овқат саноатини ривожлантириш» дастури, «Ҳалол туризм» лойиҳаси каби дастурлар қабул қилинган. Ушбу дастурлар ва лойиҳалар доирасида ҳалол маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳалол саноат ва хизматлар учун замонавий инфратузилмани яратиш, ҳалол экспортни ривожлантириш, миллий брендларни шакллантириш ва халқаро ҳалол бозорларига чиқиш каби масалалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ҳалол бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳалол маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга солиқ, молиявий, экспорт, ер-мулк ва бошқа йўналишларда ҳар томонлама қўмаклашиш назарда тутилган. Масалан, ҳалол маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга солиқ имтиёзлари, ҳалол молиявий воситаларга кафолатланган кредитлар, ер-мулк ва техника-технологияни янгилаш учун субсидиялар берилмоқда. Шунингдек, халқаро ҳалол бозорларга чиқиш учун маркетинг ва экспорт қўллаб-қувватлаши амалга оширилмоқда.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ҳалол озиқ-овқат ишлаб чиқариш, ҳалол молиявий хизматлар (ислом банкчилиги), ҳалол туризм каби соҳалар жадал ривожланмоқда. Ҳалол озиқ-овқат. Қора, сариқ, донли, ёғли, сут, уй қушлари ва гўшт маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотлари ҳалол маҳсулотлар сирасига киради. Ҳалол сертификати олган 100 дан ортиқ корхона мамлакат ички бозори билан бир қаторда четга ҳам ҳалол маҳсулотлар экспорт қилмоқда.

Ҳалол молиявий хизматлар. Ўзбекистон 2021 йилда «Ислом банкчилиги тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Бугунги кунда мамлакатда 5 та ислом банки ва 7 та ислом молиявий институти фаолият юритмоқда.

Ҳалол туризм. Мамлакатимизда ҳалол туризмни ривожлантириш учун янги туристик маршрутлар, инфратузилма ва хизматлар шакллантирилмоқда. Бу борада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ўрин тутди.

Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари ва Туркия каби етакчи мамлакатлар тажрибасидан самарали фойдаланган ҳолда Ўзбекистонда ҳам ҳалол бизнес тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мамлакатлар ҳалол сертификатлаш, ҳалол маркетинг, ҳалол молия, ҳалол туризм ва бошқа соҳаларда йиллар давомида шакллантирган илғор амалиёт, институционал ислохотлар ва давлат дастурлари Ўзбекистон учун муҳим намуна бўла олади.

Хулосалар. Ўзбекистонда ҳалол бизнесни ривожлантиришнинг институционал, молиявий ва инфратузилмавий жиҳатдан кенгайтириш учун ҳалол бизнесда ягона координация, стандартлаш, сертификатлаш ва назорат қилувчи тизимни янада такомиллаштириш зарур. Ҳалол бизнесни кредитлаш, солиқ ва бошқа имтиёзлар асосида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ҳалол саноат ва хизматлар ривожланиши учун замонавий инфратузилмани яратиш муҳим.

Ҳалол бизнесни инновацион технологиялар, блокчейн, сунъий интеллект ва бошқа замонавий ечимлар орқали ривожлантириш, муваффақиятли халқаро тажрибани ўзлаштириш ва ҳалол индустриясини марказлашган тарзда бошқариш Ўзбекистон учун янги истиқболли имкониятларни яратади. Халқаро даражада тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ҳалол маҳсулотлар ва хизматлар экспортини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг ҳалол бренди ва имижини шакллантириш мавжуд салоҳиятни янада ошириб беради

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳалол бизнес соҳасида етакчи мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва миллий тизимни янада такомиллаштириш орқали истиқболли натижаларга эришиши мумкин. Бунинг учун ҳалол бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий, институционал, молиявий ва инфратузилмавий жиҳатларини кучайтириш, шунингдек, инновацион ёндашувлар ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳалол сертификатлаштириш тўғрисида"ги Қонуни, 2020 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳалол маҳсулотлар тўғрисидаги Миллий стандартларни тасдиқлаш ҳақида"ги 193-сон қарори, 2020 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳалол индустриясини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 216-сон қарори, 2021 йил.
4. "Ўзбекистон Республикасида ҳалол индустриясини ривожлантириш концепцияси", Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 майдаги қарори.
5. Ҳалол маҳсулотларни экспорт қилиш: Малайзия тажрибаси. Иқтисодиёт ва инновациялар, 2020.
6. Ўзбекистонда Ҳалол сертификатлаш тизимининг жорий этилиши. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш, 2020.
7. Развитие «халальной» экономики в Турции. Восток. Афро-Азиатские общества: история и современность, 2018.
8. Малайзиядаги ҳалол бизнес: институционал ривожланиш. Ўзбекистон иқтисодиёти, 2019.
9. Ҳалол сертификатлаш тизими: БАА тажрибаси. Ўзбекистон иқтисодиёти, 2021.
10. Малайзия, Саудия Арабистони ва Туркия ҳалол бизнес соҳасидаги тажрибаси: Ўзбекистон учун хулосалар. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2021.
11. Алимов Э.А., Ниязметов Д.А. Ҳалол индустрияси: ривожланиш истиқболлари ва хорижий тажриба. - Т.: "Fan va texnologiya", 2019. - 192 б.
12. Абдуллаев Д.Б. Ҳалол бизнес ва ислом молияси. - Т.: "Akademnashr", 2020. - 184 б.
13. Хошимов Ш.Х., Абдуллаев Ж.М. Ҳалол сертификатлаштириш тизимининг ҳуқуқий асослари. - Т.: "O'zbekiston", 2018. - 120 б.

14. Саидов Ж.У., Носиров Р.Н. Халқаро стандартлар ва Ўзбекистонда ҳалол сертификатлаштириш. - Т.: "Fan", 2017. - 160 б.
15. Норқулов М.Ю., Юсупов А.С. Ҳалол тушунчаси: ислом ва молия. - Т.: "Akademnashr", 2019. - 232 б.
16. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ислонда ҳалол ва ҳаром тушунчалари. - Т.: "Hilol nashr", 2016. - 144 б.
17. Ismanov, I. N., & Axmadaliyev, B. A. (2022). BUXGALTERIYA HISOBINING HALQARO MODELLARI ISLOM MODELI HAMDA KLASSIK MODELLAR O'RTASIDAGI FARQLAR. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(4), 510-515.
18. Tohirovich, Q. N. (2021). International financial accounting standards in Uzbekistan. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(4), 328-333.
19. Международная ассоциация «Халяль» (WFHIS). Официальный сайт: www.wfhis.org.
20. Ислон Ривожланиш Банки. Расмий веб-сайт: www.isdb.org.
21. "Ўзстандарт" агентлигининг ҳалол сертификатлаш фаолияти. Расмий веб-сайт: www.standart.uz.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

